

МЕҲНАТНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШДА ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ширинқулов Бахтиёр Ифтихор ўғли

Жиззах шаҳар ИИБ бошлиғи

ўринбосари-тергов бўлими бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568167>

Аннотация: Мақола терговчининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги бўйича ҳужжатлар билан ишни қай тарзда ташкил этишга бағишланган бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилганда мазкур ҳужжатлардан тўғри фойдаланиш, жиноят процессида муҳим исботлаш воситаси ҳисобланади. Ишни самарали тергов қилиш учун ҳужжатлардан тўғри фойдаланишни таклиф этилади.

Калит сўзлар: меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ жиноятлар, тергов, тактик ҳаракатлар, норматив-ҳуқуқ ҳужжатлар, ҳужжатлар фойдаланиш.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш ҳар доим меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини тартибга солувчи кўплаб қонун ҳужжатлари, шунингдек норматив-техник ҳужжатларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу ҳужжатларга мурожаат қилиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XVII яъни «Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар» боби 257-моддаси диспозициясининг умумий хусусияти билан боғлиқ. Муаллифнинг ушбу тоифадаги жиноятларни тергов қилиш амалиётини таҳлил қилишдан кўриниб турибдики, терговчилар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида қўшимча билимларни талаб қиладиган кўплаб ҳужжатлар, шу жумладан техник ҳужжатлар билан ишлаш зарурати туфайли жиддий қийинчиликларга дуч келишади.

Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига асосан, Жиноят кодекси 257-моддасида кўрсатилган жиноятни тергов қилиш ички ишлар органлари терговига тегишли ҳисобланади[1, 248-бет].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни текширишда терговчининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги бўйича ҳужжатлар билан ишлаш хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим омил ҳисобланади. Шундай қилиб, тергов жараёнида техника оид ҳужжатларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва фойдаланиш хусусиятлари ҳамдўстлик давлатлари олимлари М.Беляева, Ш.К.Вахитова, В.К.Глистина, М.S.Greenberg, М.М.Дмитриева, И.Ю.Эрмакова, С.А.Квелидзе, Н.П.Яблоков ва бошқалар асарларида ўрганилган.

Терговчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик, шунингдек норматив ҳужжатлар билан ишлаши биров характерли ҳисобланади, чунки бу турдаги ҳужжатлар, терговчи одатий мурожаат қиладиган нормалардан фарқланади. Агар терговчида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаси бўлса, бунда у мазкур ҳужжатларнинг рўйхати ва олиш манбаларини аниқ тушунган ҳолда мақсадли ва самарали ҳаракатланган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, терговчи

ҳар бир ҳолатда қандай ҳужжатларни тўплаши ва ўрганиши кераклигини тушуниши керак. Амалда, бу маълум қийинчиликлар билан боғлиқ, сабаби ҳужжатлар тўпланининг масштаби катталиги ва мазмунини тушуниш қийинлиги билан боғлиқ деб ўйлаймиз. Чунки терговчилар, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари бузилган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги махсус билимга етарли даражада эга эмаслар. Биз терговчининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳужжатлар билан ишини енгиллатиш ҳамда ёрдам бериш учун тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг таҳлилини ўтказдик, натижада бундай ҳужжатларнинг шартли гуруҳларини аниқлаш ва тавсифлаш мумкин бўлди. Бу эса терговчи ишини тўғри ва самарали ташкил этишда қўлланма бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фикримизча, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни шартли равишда меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини қамраб олувчи қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидаларга бўлиш мумкин.

Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилишнинг норматив-ҳуқуқий тизими асосларини кўриб чиқамиз. Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилиги — меҳнат жараёнида шахснинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва унинг профилактик чора-тадбирлари ҳамда шахснинг соғлиғи, меҳнат қобилиятини сақлашга қаратилган чора-тадбирларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ норматив ҳужжатлар тизимидир. У Ўзбекистоннинг умумий қонунлари ва махсус қонун ҳужжатларидан иборат. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қоидаларни белгилаб берувчи Ўзбекистоннинг асосий қонунлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, Ўзбекистоннинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунларидир.

Ўзбекистоннинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлар ҳақидаги қонун ҳужжатлари билан бир қаторда қонун ости ҳужжатлари: Президент фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон ҳукуматининг қарорлари, вазирликлар ва ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив ҳужжатлари ва бошқалар билан тартибга солинади. Таъкидлаш жоизки, охириги олти йилда Ўзбекистон мустақиллик йилларида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сезиларли даражада янгиланди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ифодаловчи махсус қонун ҳужжатлари масаласини кўриб чиқдик. Булар, стандартлар, нормалар, қоидалар, кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатларни ўз ичига олган бажариш мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароитлари;
- технологик жараёнлар хавфсизлиги, машиналар, механизмлар, асбоб-ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларининг хавфсизлиги;
- жамоавий ва индивидуал ҳимоя воситаларининг ҳолати;
- маиший санитария шароитлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлари қўлланилиш доирасига кўра тармоқлараро ва тармоқ турига бўлинади. Ўзбекистонда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати амалдаги бўлган базаларда келтирилган[2, 13-бет]. Рўйхатда келтирилганлардан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бевосита корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаб чиқиладиган ҳужжатлар ҳам мавжуд.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги санаб ўтилган қонунчилик ва бошқа меъёрий ҳужжатларни таҳлил қилиш, уларнинг шартли гуруҳларини шакллантиришга имкон берди. Бизнингча, амалиёт ходимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таклиф этилаётган гуруҳларига мурожаати тергов йўналишини имкон қадар аниқ белгилаш, тизимлаштириш ва шу орқали зарур ҳужжатларни излаш ҳамда ўрганишни осонлаштириш имконини беради, бу эса биринчи навбатда, чекланган вақт ресурсларини сезиларли даражада тежайди.

Биринчи гуруҳга маълум турдаги ишларни ташкил этиш ва ўтказиш, ишлаб чиқариш жараёни ва бошқалар билан боғлиқ ҳужжатлар киради. Ушбу гуруҳ ҳужжатларини тўплаш ва ўрганиш терговчига содир бўлган бахтсиз ҳодисага доир ишларни тайёрлаш ва ўтказишнинг меъёрий белгиланган тартибини аниқ тушуниш имконини беради. Ушбу ҳужжатларга асосланиб, терговчи ишлаб чиқариш фаолиятининг муайян моделини тузади, у меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига мувофиқ қандай бўлиши керак: ушбу турдаги ишларни тайёрлаш, ўтказиш, тугатиш тартиби қандай, меҳнатни муҳофаза қилишнинг қандай ўзига хос талаблари мавжуд, қандай қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши керак эди, ишлаб чиқариш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш учун ким масъул, шу ва бошқа саволлар ҳал этилиши лозим. Бу гуруҳ ҳужжатлари билан танишиш, биринчи навбатда, далолатномани тўғри малакалаш каби терговчига меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини бевосита ишлаб чиқаришда содир этиладиган бошқа қонунбузарликлардан фарқлаш имконини беради. Ушбу барча ҳужжатлар мажмуасига қонунлар, қонуности ҳужжатлари, намунавий кўрсатмалар ва қоидалар, корхонанинг маҳаллий ҳужжатлари киради.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, терговчи бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий талабларни ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маҳаллий йўриқномаларни ўз ичига олган муҳим тармоқлараро ёки тармоқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқнома билан танишишга алоҳида эътибор қаратиши керак. Ушбу ҳужжатлар меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг асосий талабларига қаратилган.

Ҳужжатларнинг иккинчи гуруҳи - бу ҳодиса содир бўлган пайтда ишнинг аслида қандай бажарилганлигини акс эттирувчи норматив-техник ҳужжатлар ҳисобланади. Ушбу гуруҳ ҳужжатларини ўрганиш терговчига травматик ҳодисанинг механизми, унинг сабаблари, жойи, вақти, ҳолати, ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этган шахслар ҳақида тушунча беради. Ушбу ҳужжатлар гуруҳида ишчиларни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ушбу жиҳозлар ҳолати, тўғри фойдаланиш ва бошқаларга оид маълумотлар ҳам мавжуд. Иккинчи гуруҳ ҳужжатларига, шунингдек, технологик хариталар, муайян турдаги ишларни бажариш бўйича технологик

кўрсатмалар, журналлар, наряд ҳужжатлари, ишлашга рухсатномалар, комбинзон ва пойабзал учун шахсий ҳисоб карталари ва бошқалар киради.

Учинчи гуруҳ - ишлаб чиқариш ускуналари, машиналар, механизмлар, техник воситалар ва уларнинг ҳолатини тавсифловчи ҳужжатлар. Терговчи ушбу гуруҳ ҳужжатларини таҳлил қилиш жараёнида авария содир бўлган ишларни бажариш жараёнида қандай асбоб-ускуналар ва асбоблардан фойдаланилганлигини, шунингдек ишлаб чиқариш ускунасининг техник ҳолатини ва зарур синов, таъмирлаш ва текшириш ишлари олиб борилади.

Бундай ҳужжатлар асбоб-ускуналарнинг техник паспортлари, хавфсизлик талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги сертификатлар, техник карталар, ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш йўриқномалари, механизмлар ва жиҳозларнинг ишлаши учун техник шартлар, текшириш журналлари, механизмларнинг ишлаши бўйича қоидалар ва кўрсатмалардан кўчирмалар, техник хизмат кўрсатиш журналлари, таъмирлаш ҳисоботлари каби ҳужжатлар тоифасидир.

Тўртинчи гуруҳ - муайян корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни акс эттирувчи ҳужжатлар туркуми. Бунда турли гуруҳларнинг ҳужжатларига мурожаат қилиш, корхонада меҳнатни муҳофаза қилишнинг умумий ҳолати ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тўғри назорат олиб борилганлигини, зарур текширувлар ўтказилганми, агар ўтказилган бўлса содир бўлган қонунбузарлик қанақа эканлигини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, вазифани бажариш пайтида бахтсиз ҳодиса юз берган меҳнатни муҳофаза қилиш учун ва ишни ташкил этиш учун масъул бўлган шахслар доираси тузилади. Бундай ҳужжатлар йиғилишлар баённомалари, назорат қилувчи органларнинг текшириш материаллари, меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш фактлари тўғрисидаги ариза ва ходимларнинг ҳисоботларини киритишимиз мумкин.

Бизнингча, терговчи меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилувчи ва текширувчи органлар ҳужжатларига алоҳида эътибор қаратиши лозим. Бундай органлар меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар фактлари, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши учун жавобгар бўлган шахслар тўғрисида маълумотларга эга. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 9,223-моддаларида меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилувчи ва текширув ўтказувчи органлар белгиланган.

Бу ўз фаолиятида мулкдорга ёки у ваколат берган органга боғлиқ бўлмаган махсус ваколатли органлар ва инспекцияларнинг ваколатидир.

Давлат ижроия ҳокимияти органлари ўзларига функционал бўйсунувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати касаба уюшмалари ва уларнинг бирлашмалари

томонидан амалга оширилади[3, 234-бет]. Назорат қилинадиган объектларда меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини акс эттирувчи назорат ва текширув органларининг ҳужжатлари буйруқлар, кўрсатмалар, статистик маълумотлар, таҳлиллар, ҳодисалар ва бошқалар киради.

Бешинчи гуруҳга жабрланувчи ва жиноятчини тавсифловчи ҳужжатлар киради. Ушбу ҳужжатлардан терговчи ходимнинг ва масъул шахснинг иш тажрибаси, бажариш (назорат қилиш) ҳуқуқига эга малакаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича зарурий тайёргарликдан ўтган-ўтмаганлиги, ўқув машғулотлари тайёргарлигидан ўтганлиги, соғлиғи ҳолати тўғрисидаги, бахтсиз ҳодиса содир бўлган иш ва бошқа маълумотларни олади. Таҳлил қилинган ҳужжатлар туркумига қуйидагилар киради: меҳнат дафтарчаси, ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқлар, ходимнинг тавсифномаси, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун олдинги жазолар, тиббий карта, тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги хулосалар, ўқув журналлари ва брифингларни рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги, хавфсизлик бўйича билимларни текширилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар, меҳнат, касбий хусусиятлар, оилавий аҳвол ҳақида маълумотлар берилади[4, 43-47-бетлар].

Биз ишдаги бахтсиз ҳодисани техник текшириш материалларини алоҳида ҳужжатлар гуруҳига киритамиз. Қоида тариқасида, улар бахтсиз ҳодисанинг ҳолатлари ва сабаблари бўйича тизимлаштирилган ҳужжатлар тўпламини ифодалайди ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бахтсиз ҳодисаларни текшириш натижалари асосида тузилади.

Алоҳида таъкидлаймизки, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани техник текшириш материалларининг аниқ далилий қийматига қарамай, шуни ёдда тутиш керакки, корхоналар эгалари (раҳбарлари) ҳар доим ҳам объектив тергов ҳамда травматик ҳодисанинг ҳақиқий сабабларини аниқлашдан манфаатдор эмаслар. Шу муносабат билан, ҳар бир ҳолатда, техник текширув материалларини чуқур ўрганиш ва танқидий баҳолаш талаб этилади.

Бизнинг фикримизча, баҳолаш қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилиши керак:

а) техник текшириш материалларида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қарорининг асосий талабларига жавоб берадиган маълумотлар мавжудлиги;

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишни тартибга солувчи «Бахтсиз ҳодисалар, ишлаб чиқариш касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олишнинг айрим масалалари» каби норматив-ҳужжат талабига жавоб бериши;

б) терговчи жиноят ишини юритиш учун муҳим деб ҳисоблаган ҳар бир жиҳат бўйича маълумотларнинг етарлилиги.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаймизки, биз ўз олдимизга у ёки бу гуруҳга тайинлаган барча ҳужжатларни рўйхатга олиш вазифасини қўймадик, чунки уларнинг сони жуда кўп. Мисол тариқасида, биз ушбу ҳужжатларнинг мазмуни ва кўлами ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун фақат баъзиларини киритдик.

Ушбу ёндашув фикримизча, ўзини оқлайди, чунки у меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талаблари бузилганлиги сабабли жиноят процессида терговчи ишини

тўғри ва самарали ташкил этишга имкон беради. Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни тўплаш ва улардан фойдаланиш исботлашнинг муҳим воситасидир, чунки бу иш натижасида муҳим фактик ҳолатлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, ишончилиги ва текширилаётган воқеа билан боғлиқлиги аниқланади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Адолат-2021. 248-бет. URL: <https://lex.uz/docs/111460>
2. Керб.Л.П. Основы охраны труда: учеб. пособие. Киев, 2003 . 13-бет.
3. Научно-практический комментарий к законодательству Украины о труде / В.Г.Ротань, И.В.Зуб, Б.С.Стычинский. 8-е изд., доп. и перераб. Киев, 2007.234-бет.
4. Данилова.Н.А., Григорьева.М.А. Использование методов научного познания при расследовании нарушения правил безопасности при ведении строительных работ // Криминалисть . 2010 год. №1(6) . 43–47-бетлар.